

**РЕСПУБЛИКА ШОШЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

АКИЛОВА ШАХЛО АКМАЛОВНА

**ҲАЁТГА ХАВФ СОЛУВЧИ БРАДИАРИТМИЯЛИ БЕМОРЛАРДА
ЮРАК РЕМОДЕЛЛАНИШИГА ЭЛЕКТРОКАРДИОСТИМУЛЯЦИЯ
РЕЖИМЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Акилова Шахло Акмаловна

Ҳаётга хавф солувчи брадиаритмияли беморларда
юрак ремоделланишига электрокардиостимуляция
режимларнинг таъсири..... 3

Акилова Шахло Акмаловна

Влияние режимов электрокардиостимуляции на
ремоделирование сердца у больных с жизнеугрожающими
брадиаритмиями..... 23

Akilova Shakhlo Akmalovna

Influence of conditions of permanent pacing on myocardial
remodeling in patients with life-threatening bradyarrhythmia..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА ШОШЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

АКИЛОВА ШАХЛО АКМАЛОВНА

**ҲАЁТГА ХАВФ СОЛУВЧИ БРАДИАРИТМИЯЛИ БЕМОРЛАРДА
ЮРАК РЕМОДЕЛЛАНИШИГА ЭЛЕКТРОКАРДИОСТИМУЛЯЦИЯ
РЕЖИМЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib593 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.emerg-center.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимов Данияр Анварович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тулабаева Гавхар Миракбаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедова Барно Фархадовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган кардиология
илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100081, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05; e-mail: uzmedicine@mail.ru. Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази 2-қават, мажлислар зали).

Диссертация билан Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100081, Ташкент шаҳри, Кичик халқа йўли, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э. Анваров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

Б.К. Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда умумий касалланишлар ва ўлим сони бўйича етакчи ўринларда турувчи юрак ритмларининг ҳаёт учун хавфли бўлган бузилишлари, уни ташхислашни яхшилаш ва даволашда сезиларли ютуқларга эришилганига қарамасдан, жумладан, Ўзбекистонда ҳам у жами касалланиш ва ўлимлар сони бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари бўйича «аритмиялар билан оғриган беморларнинг учдан бир қисми ногиронлик туфайли касалхонага ётқизилиши ва стационар даволанишга муҳтож». Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) таркибида юрак аритмиялари тўртинчи ўринни эгаллайди ва 40% ни, брадиаритмиялар сабаб бўйича эса 4% ни ташкил этади.¹ Адабиётларга кўра тўсатдан юрак ўлимига 85% ҳолатларда юрак ритмининг бузилиши, қоринчалар тахиаритмияси (ҚТ) 45%, асистолиянинг кейинги ривожланиши билан қоринча фибрилляцияси (ҚФ) 40% ва 15% брадиаритмия ва асистолия ҳисобига тўғри келади. Турли хил юрак ритми бузилишлари орасида ўзининг хавфлилиги, патогенезига ягона қарашларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда умумқабул қилинган самарали ва ишончли медикаментоз даволаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли тўсатдан юрак ўлимига олиб келувчи брадиаритмиялар замонавий кардиологиянинг энг долзарб муаммолари сирасида қолмоқда.

Жаҳонда ҳаёт учун хавфли бўлган юрак ритми бузилишларининг диагностикаси ва даволаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ушбу касалликда ўлим даражасининг ўта юқори эканлигини ҳисобга олиб, кардиологлар ўз тадқиқотларида асосий эътиборни юрак фаолиятини ноинвазив усулларда баҳолаш, бу усулларнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш асосида инсон юрагидаги электрофизиологик жараёнларнинг хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, даволаш ва диагностик усуллари муқобиллаштириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу интервенцион кардиологиянинг ва юракнинг электрокардиостимуляцияси (ЭКС) каби даволаш усулининг жадал ривожланишига таъсир кўрсатди. Электрокардиостимулятор имплантацияси (ЭКС) препаратли даволашнинг чекловлари туфайли турли хил брадиаритмиялар намоён бўлган беморларда жуда муҳимдир.

Малакатимизда соғлиқни сақлаш тизимни такомиллаштириш, жумладан, аҳолига юқори сифатли ва ўз вақтида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётда юқори технологияли усулларни жорий этиш, умумий ва ритм касалликларида, хусусан, ҳаётга хавф солувчи аритмияларда ҳам юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари такомиллаштириш бўйича катта эътибор берилмоқда ва фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган

¹ Dariush Mozaffarian, Emelia J. Benjamin, Alan S. Go, Donna K. Arnett, Michael J. Blaha, Mary Cushman, Sandeep R. Executive summary: Heart disease and stroke statistics-2016 update: A Report from the American Heart Association. <https://www.ahajournals.org/doi/10.1161/CIR.0000000000000366> Circulation.

интервенцион кардиология хизматлари қаторида ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялар билан касалланган беморларда танага доимий юрак стимулятори имплантация қилиш амалиётини кенг жорий қилиш, уларнинг энг самарали усулларини қўллаш аҳолимизга кўрсатилаётган юқори технологик тиббий ёрдамнинг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланиши аини ҳақиқат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»², 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялар ривожланишининг сабаблари ва патогенетик механизмларини ўрганиш ва даволашни оптималлаштириш учун жаҳон тиббиётида бир қатор тадқиқотлар ўтказилган. Ҳаёт учун хавфли брадиаритмияларда доимий юрак стимулятори имплантантини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, дунёдаги етакчи илмий марказлари ва университетларида ўтказилди шу жумладан, CHLA (Лос Анжелес болалар шифохонаси) ва USC (Жанубий Калифорния университети) тадқиқотчилари биргаликда минимал-инвазив тарзда юракнинг перикардиал бўшлиғига ўрнатиладиган ва брадиаритмиялар билан касалланган беморларда юракни чап қоринчасига ўрнатиладиган имплантат яратган [Bar-Cohen Y. 2018г.]. Кейинги иш эса McEwen тиббиёт маркази олимлари томонидан яратилган инновацион ишланмалар электрик импульслар ёрдамида юрак ритмини бошқаришга ёрдам берадиган 21 кун ичида юрак стимулятори хужайраларига айланиши мумкин плюрипотент ўзак хужайралар ҳисобланади [HRS Expert consensus Am J. 2018г.]. Уларнинг сўнгги ишларида электрик импульслар ёрдамида юрак ритмини бошқарувчи инсоннинг плюрипотент ўзак хужайралари бор йўғи 21 кун ичида юрак стимулятори хужайралари қандай қилиб хужайрага айланиши ҳақидаги маълумотлар тасвирланади.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Кейинги таваккал танлаб олинб DANPACE [Nielsen J. 2003] томонидан ўтказилган тадқиқотда AAIR ва DDDR электростимуляция режимларининг ҳаёт сифатига таъсирини ўрганилди, барча сабаблардан ўлимда фарқ топилмади (тадқиқотнинг асосий нуқтаси). Таваккал танлаб олинган кесишган DVI тадқиқот режимида VVI режими билан солиштирганда, аралаш каротид синус синдроми билан касаллаган беморлар [Charles R. 1977], DVIда синкопал стимуляция ҳолатлари кузатилмади, VVI стимуляцияда перисинкопал ҳолат сезиларли даражада паст. Вестминстер тадқиқотларидан бирида [Toff W. 2005], DDD ва VVI электр кардиостимулятор имплантанти режимлари синкопида рецидивга нисбатан таққослашди. Яна бир илмий тадқиқот рус олимлари томонидан ўтказилди; электрокардиостимулятор импланти бор беморларда ўпка артерияси эмболияси [Василченко Е. 2005]. Кейинги илмий тадқиқотда доимий юрак стимулятори имкониятларининг қиёсий таҳлили ўрганилди [Зенин С. 2005].

Адабиётларни ўрганиш ва ҳаёт учун хавфли брадиаритмияларда ЭКС ўрнатилган беморларни даволаш тажрибаси баъзи масалалар ЭКС тури ва режимини оптимал танлаш учун ҳал этилмаганлигидан далолат беради, юрак етишмовчилиги сабаблари етарлича ўрганилмаганлиги, электр ва механик миокард диссинхронияси ифодаланганлиги таъсири даражасини чуқурлигини аниқлаш, миокардни қайта моделлаштиришнинг клиник ҳолати ва диагностик баҳолашнинг жиддийлиги. Шунинг учун, брадиаритмия билан оғриган беморларда ўнг қоринча бўшлиғида доимий юрак стимулятори электродини ўрнатиш майдони ва режимларини таъсири ва мослаштирилган даволашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ 20170928538-сонли «Тўсатдан юрак ўлими хавфи юқори бўлган беморларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялар бўлган беморларда ва миокард диссинхронияси жараёнларида доимий юрак стимулятори электродини ўрнатишнинг усуллари ва турли режимлари таъсирини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялар бўлган беморларда DDDR/VVI режимида кардиостимулятор электроди ўрнатилган соҳага боғлиқ равишда юракнинг функционал тузилиш жараёнларини ўрганиш;

синус тармоғи дисфункцияси (СТД) ва тўлиқ атрио вентрикуляр тармоқнинг (АВТ) тўлиқ бекилиши бор беморларда, чап қоринчанинг турли қисмларида бир камерали/ икки камерали юрак стимулятори электродини ўрнатишдан сўнг чап қоринчада миокардда диссинхрониянинг турли сезгирлиги ва хусусиятини қиёслаш;

DDDR/VVI режимларида сўрономага (SF-36) кўра, тўлиқ (ABT) ва (CTD) блокадаси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатига электрод фиксация майдони қараб юрак стимулятори таъсирини ўрганиш;

QRS комплексининг морфологиясини ўрганиш, электрод фиксация майдонига ва ЭКС режимларига қараб имплантацияланган юрак стимулятори бўлган беморларда диссинхрониянинг ЭхоКГ параметрларини солиштириш;

ҳаёт учун хавfli брадиаритмиялар бўлган беморларда доимий ЭКСнинг оптимал режимларини танлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўткир жарроҳлик патологияларида аввал ЭКС имплантация қилинган беморларни даволаш тактикасини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йилларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида стационар даволанишда бўлган электрокардиографияда тасдиқланган брадиаритмия ва бир ёки икки камерали доимий электрокардиостимулятор ўрнатилган 88 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида умумий клиник ва махсус клиник-инструментал тадқиқотлар кўрсаткичлари, шунингдек, махсус сўрономалар маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ҳаётга хавfli солувчи брадиаритмияли беморларда юрак ремоделланишига электрокардиостимуляция режимларнинг таъсирини баҳолашда умумий клиник кўрик, ЭКГ, кундалик ЭКГ мониторинг (Holter га кўра), эхокардиография (ЭКС ўрнатишдан олдин ва кейин), олти дақиқа юриш тести, клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи (В.Ю. Мареева модификацияси, 2000), SF-36 сўрономаси ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

ҳаёт учун хавfli брадиаритмиялар бўлган беморларда электродни юракка ўрнатиш майдони ва ЭКСнинг қўлланилган режимлари (DDDR ва VVI)га қараб миокарднинг ремоделлашуви жараёнлари қай даражада кечиши киёсий ўрганилган;

илк маротаба тўлиқ АВТ ва СТД блокадаси бўлган беморларда электродларни икки хил усулда ўрнатилишининг ҳамда DDDR/VVI режимларидаги доимий ЭКСнинг миокард систолик ва диастолик функциясига таъсири кўп омилли таҳлиллар ёрдамида баҳоланган ва ЭКСнинг энг муқобил усули аниқланган;

илк маротаба ҳаёт учун хавfli брадиаритмиялар бўлган беморларда доимий ЭКС режимларни танлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, бу эса даволаш стратегияси ва тактикасини такомиллаштиришга, беморларнинг ҳаёт сифати ва касаллик прогнозига салбий таъсир қилувчи асоратлар хавфини камайтиришга имкон берган;

илк маротаба доимий ЭКС импланти бўлган беморларда хирургик амалиётга мухтожлик туғилганда операция давомида электрохирургик ва бошқа электромагнит таъсир қилувчи асбоб-ускуналарни хавфсиз қўллаш бўйича тавсиялар ва тегишли алгоритм ишлаб чиқилган;

ҳаёт учун хавfli брадиаритмиялар бўлган беморларда ЭКС электродини ўрнатиш майдонининг муқобиллигини ва ЭКС режимининг

узоқ муддатли самарадорлигини баҳолашда ҳаёт сифатини ўрганиш ишончли мезон эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АВТ билан ва СТД бутунлай блокадаси билан касалланган беморларни юрак етишмовчилигининг клиник белгилари билан текшириш алгоритмида нафақат стандарт ЭхоКГ кўрсаткичларини, балки унинг оғирлигини аниқлаш учун механик диссинхрония параметрларини баҳолаш тавсия этилган;

қоринчалар аро тўсиқ майдонида ёки DDDR режимида ўнг қоринча учида кардиостимулятор электроди имплантациясидан кейин чап қоринчани систолик қисқаришини яхшилашга имкон берадиган ва СЮЕ ифодаланган ривожланишини камайтирадиган ишлар параметрини оптимизациясини ўтказиш зарурлиги асосланган;

жарроҳлик олдин ЭхоКГ маълумотларига кўра миокард диссинхронизацияси ва ЧҚ систолик кўрсаткичлари оғирлигини ҳисобга олган ҳолда, беморларда АВТ ёки СТДнинг тўлиқ блокраниши учун кардиостимулятор электродини қоринчаларо тўсиқнинг парагиссиал майдонида жойлаштириш маъқул деб баҳоланган;

қоринчаларо тўсиқнинг парагиссиал майдонига қоринчалар электродини ўрнатишни ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялари бор беморларни самарали даволаш усули эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотдаги ёндашув ва ишда ишлатиладиган усуллар, тадқиқотнинг услубий аниқлиги, материал танлаш учун қатъий мезонлар, беморлар сонининг етарлилиги, ишлатиладиган усулларнинг замонавийлиги, махсус биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар, ҳаёт учун хавфли брадиаритмия билан касалланган беморларда миокардни доимий электростимуляция қилиш усуллари танлашда, хорижий ва миллий тадқиқотларни таққослаш диагностик кўрсаткичлари талқини ва ЭКС имплантацияси натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, VVI режимида ўнг қоринчанинг юқори қисмига электрод ўрнатилган беморлар гуруҳларида ноқулай оқибатнинг алоҳида предикторларини аниқлашнинг клиник аҳамияти, ўнг қоринча бўшлиғида электрод имплантациясининг муқобил усулларидан фойдаланиш миокарднинг ремоделлашишига ва юрак етишмовчилигининг ривожланишига таъсир этувчи предикторларни бартараф этиш имкони, шу билан бирга систолик миокард функцияси паст бўлган беморларда қиммат даволашдан фойдаланишнинг иқтисодий харажатларини сезиларли даражада камайтгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган асосий хулоса ва таклифлар классик усулда ўнг қоринча бўшлиғига ўрнатилган доимий ЭКС электрод имплантанти ва юракни стимуляцияловчи ускуналарнинг систолик, диастолик функциялар ва юрак етишмовчилиги чуқурлашувида миокард диссинхронияси, ва юрак бўлмачалари

фибрилляцияси, ЎЮЕ, ЭКС синдромлари каби асоратлар хавфига чуқур таъсири кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялари бўлган беморларда юрак ремоделланишига электрокардиостимуляция режимларнинг таъсирини такомиллаштиришни баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялари бўлган беморларда миокарднинг доимий электр стимуляцияси режимларини танлаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги № 8н-р/570-сон маълумотномаси). Ушбу қўлланма даволаш стратегияси ва тактикасини яхшилаш, беморлар ҳаётининг сифати ва прогнозига таъсир қилувчи асоратлар хавфини камайтириш ва шу билан юрак мушагининг ифодаланган кенгайишини олдини олиш имконини берган; шошинч жарроҳлик патологиясида имплантацияланган ЭКС беморларда терапевтик ва диагностик алгоритмни танлаш учун ишлатилган, тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро ва Жиззах вилоят филиалларининг шошинч жарроҳлик бўлими амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 сентябрдаги № 0804/11902-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши илгари электрокардиостимулятор имплантация қилинган беморларга жарроҳлик аралашувларида мумкин бўлган асоратларни бартараф этиш, электрокоагуляция ёрдамида жарроҳлик операцияларида имплантацияланган ЭКС билан оғриган беморларда электр стимуллари ёки электр шокнинг асоссиз қўлланилишининг олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та услубий тафсиянома ва 1 та ЭХМ учун дастур яратилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, мамлакатда фан-техника устуворликларининг долзарблиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти, чоп этилган иш ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён этирилган.

Диссертациянинг «Доимий электрокардиостимулятор ўрнатилган ҳаётга хавф солувчи брадиаритмияли беморларни даволаш ва ташхис қўйишга замонавий ёндашувлар» деб номланган биринчи бобнинг адабиётлар шарҳи бўйича учта бўлимларда юракни электрик стимуляциясининг тарихи унга бўлган ёндашувлар, тасниф, кўрсаткичлар, оптимал ЭКС режимини танлаш учун алгоритмлар, эхокардиографик ва электрографик ремоделлаштириш ва диссинхрония ташхис усуллари ёритилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишига муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материаллари ва усуллари, текширилган беморларнинг клиник хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобда беморларнинг умумий тавсифий маълумотлари, клиник ва гемодинамик, лаборатория (умумий ва биокимёвий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, қон электролитлари), инструментал (ЭКГ, ЭхоКГ) тадқиқот усуллари келтирилган. 2018 дан 2020 йилгача бўлган даврдаги тадқиқотга 88 нафар бемор (39 нафар (44,3%) эркаклар ва 49 нафар (55,7%) аёллар, ўртача ёш $71,1 \pm 1,14$ йил) ифодаланган блокадали брадиаритмиялар-сinoaурикуляр ЮУТ <40 II-III даражали брадикардия, II-III даражали юракнинг кичик аномалиялари синдромлари эквиваленти синдромлар билан/ёки синдромларсиз атриовентрикуляр блокадаси синдроми, NYHA клиник кўринишлари бўйича СЮЕ III-IV функционал синф ва чап қоринчанинг қон ҳайдаши $<65\%$ бўлган беморлар киритилди. Беморлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази кардиологик реанимация бўлимига ётқизилди, уларда мавжуд танлов мезонларига мувофиқ, бир камерали ёки икки камерали ЭКС имплантацияси амалга оширилди. Беморларнинг функционал ҳолатини аниқлаш учун олти дақиқали юриш тести, ҳаёт сифатини аниқлаш сўровномаларини тўлдириш ўтказилди (сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг ҳаёт сифати учун SF-36 сўровномаси; СЮЕ (КХБШ) клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи (Мареева В. Ю модификацияси, 2000). Барча беморларда ЭхоКГ томонидан юрак батафсил ва қоринча ичи ва қоринчалараро диссинхронизацияни баҳолаш учун кўшимча тўқима доплерография инструментал кўриги ўтказилди. Тадқиқотга киритилган вақтда барча беморлар юрак етишмовчилиги, гипертензия, ЮИК, ЎМИ, аритмия учун оптимал дори-дармонларни қабул қилишарди. Электрокардиостимуляторлар РШТЁИМ ангиография бўлимида ўрнатилди. Тадқиқотга киритилган барча беморларда узоқ вақт давомида юрак етишмовчилигининг клиник белгилари кузатилган. СЮЕ дан ЭКС имплантациясигача медиана давомийлиги 2 йил эди. Қабулгача жисмоний фаоллик NYHA таснифи бўйича (20 нафар бемор (22,7%) III ФС ва СЮЕ ФС IV бўйича 68 нафар (77,3%) беморга тўғри келди. Сўровномалар ёрдамида аниқланган беморларнинг клиник ҳолати ва ҳаёт сифатини субьектив баҳолаш КХБШ ва SF-36 сўровномаси натижалари билан таққосланди. Базисли даволашда қўлланиладиган ва бошланғич клиник анамнестик маълумотлар билан фарқ қилмайдиган, ритм бузилишларига боғлиқ бўлган кардиостимулловчи қурилма электроди жойлашиши режимига қараб беморларнинг учта гуруҳи шакллантирилди: *1-гуруҳ* DDDR режимидаги

қоринчалар аро тўсиқ парасигиал майдонига ЭС қўйилган беморлар. ЭКС имплантацияси учун кўрсатмалар: тўлиқ АВ блокада – 20 нафар бемор ва синус тармоғи кучсизланиши синдроми (СССУ) бор 9 нафар беморларда (кузатув даври $10,4 \pm 1,0$ ой); 2-гурух DDDR режимида бирламчи чўққили ЭС 21 нафар бемор, шундан: тўлиқ АВ блокада - 13 нафар, СТК - 8 нафар беморларда (кузатув даври $10,7 \pm 0,4$ ой); 3-гурух ЭС режимида бирламчи чўққили ЭС 38 нафар бемор (кузатув даври $10,7 \pm 0,4$ ой).

Статистик қайта ишлаш. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилди. Нормал тақсимотнинг мезонлари куйидаги параметрлар эди:

ўртача қиймат, белгининг мода ва медианаси тахминан тенг;

Ўзгарувчан параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг арифметик ўртачасини ҳисоблаш билан (M), ўртача квадратик четланиш (σ) ва бошқа усуллар статистик аҳамиятини баҳолаш учун қўлланилди. Тўрт асосий аҳамият даражаси статистик муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди: юқори – $p < 0,001$, ўрта $p < 0,010$, паст (чегара) – $p < 0,050$, аҳамиятсиз (ишончсиз) $p > 0,050$.

Диссертациянинг «**Шахсий натижалар**» деб номланган учинчи бобида юрак аритмиялари турига, режимларига ва юрак стимулятори электродининг ўрнатилган майдонига қараб беморларнинг 3 гуруҳи кўриб чиқилди. Қоринчалар аро тўсиқнинг парагисиал майдонида юрак стимулятори электродини техник ўрнатиш ўнг қоринчанинг чўққисига ўрнатиладиган электроддан электродни етказиш муҳим тизимларини қўлламасликни талаб қилмайдиган тарзда сезиларли фарқ қилмайди. ЭКС имплантациясидан олдин 1, 2, ва 3-гурух беморлари QRS мажмуаси давомийлигида фарқ қилмади, ўртача оралиқ I-гурухда $0,11 \pm 0,004$ мс, II-гурухда $0,11 \pm 0,05$ мс, III-гурухда $0,11 \pm 0,006$ мс ни ташкил этди. Операциядан кейинги даврда QRS стимуляцион мажмуасининг сезиларли ўзгариши операциядан олдинги кўрсаткичларга нисбатан учта гуруҳда ҳам кузатилди. I гуруҳ (қоринчалар аро тўсиқ DDDR режим) да QRS стимуляцион мажмуасининг давомийлиги II гуруҳ (қоринчалар аро тўсиқ DDDR режимида) га нисбатан камроқ ($p < 0,05$) бўлди, III гуруҳ (қоринчалар аро тўсиқ VVI режимида), ўртача 5,4 мс ёки 5,9% ни ташкил этди. I гуруҳдаги динамик кузатиш давомида QRS стимуляция мажмуаси интервалининг статистик жиҳатдан аҳамиятсиз қисқармаслик (операция кўрсаткичга нисбатан) бўлиши, 1 ойдан сўнг QRS кенглиги давомийлигининг ўртача қиймати $0,12 \pm 0,004$ мс, 3 ва 6 ойдан сўнг эса $-0,12 \pm 0,002$ ва $0,12 \pm 0,002$ мс ($p < 0,05$) ни ташкил этди.

II гуруҳда QRS интервали давомийлигининг ўзгариши кузатилди, ўртача қиймат 1 ойдан кейин $0,14 \pm 0,01$ мс, 3 ойдан кейин $0,14 \pm 0,01$ мс, 6 ойдан кейин $0,14 \pm 0,01$ мс ($p < 0,01$) ни ташкил этди.

III гуруҳда I ва II гуруҳларга нисбатан QRS интервали давомийлигининг янада аниқ ўсиши кузатилди, мураккаб кенгликнинг ўртача қиймати 1,3 ва 6 ойлик мониторинг учун мос равишда $-0,14 \pm 0,005$; $0,15 \pm 0,005$ мс ва $0,15 \pm 0,005$ мс ($p < 0,01$) ни ташкил этди.

Шундай қилиб, электр диссинхронизация ҳар уч гуруҳда кузатилади. Шу билан бирга, 1,3,6 ой давомида QRS комплексини гуруҳлар аро таққослаш 1-гуруҳ беморларда QRS ўртача давомийлиги 2 ва 3-гуруҳ (0,12±0,002; 0,14±0,01 ва 0,15±0,005 мс, ўз навбатида, p<0,01) беморларига нисбатан сезиларли даражада кам эканлигини кўрсатди. Қоринчалар аро ва қоринчалар ичи ўтказувчанликни баҳолаш учун қоринчалар аро механик тутилиш (ҚАМТ) ва қоринчалар ичи механик тутилиш (ҚИМТ) кўрсаткичи бўйича, М-модал режимда ЭхоКГ ҳисобланган. I, II, III гуруҳлардаги беморларда операциядан олдинги даврда қоринчалар аро ва ичи ўтказувчанлигининг барча икки кўрсаткичининг ўртача қиймати нормал кўрсаткичлардан ошмади. М-модал режимда ЭхоКГ тадқиқотининг маълумотларига кўра қоринчалар ичи ўтказувчанлик индекси мос равишда I (қоринчалар аро тўсиқ режими DDDR) гуруҳда 103,45±0,33мс, II гуруҳда 102,57±0,27 мс, III гуруҳда 104,39±1,01 мс, I гуруҳда эса қоринчалар ичи ўтказувчанлик оралиғи 25,55±0,98 мс, 24,57 ±0,71мс, III гуруҳда 21,45±0,81мс.

1-жадвал

Ўнг қоринча чўққиси ва парагиснал майдоннинг миокарднинг электр ситимляциясига DDDR/VVI, (M ± m) диссинхрония режимда қоринчалар аро/ичи кўрсаткичларига таъсири

Тадқиқот вақтлари	Диссинхрония кўрсаткичлари	Стимуляция майдони			P ²	P ³
		ҚАТ DDDR режим (n=29)	Ўнг қоринча чўққиси DDDR режим (n=21)	Ўнг қоринча VVI режим (n=38)		
Бошланиш	Қоринчалар ичи механик тутилиши (ҚИМТ)	103,45±0,338	102,57±0,27	104,39±1,01	p>0,05	p>0,05
	QAo-QLa	25,55±0,98	24,57±0,71	21,45±0,81	p>0,05	p>0,05
1 ойдан сўнг	(ҚИМТ)	146,72±1,17 p>0,05 ¹	164,9±1,09 p<0,05 ¹	178,03±1,03 p<0,05 ¹	p<0,05	p<0,05
	QAo-QLa	43,24±0,67 p>0,05 ¹	45,52±0,29 p<0,05 ¹	51,32±0,42 p<0,05 ¹	p>0,05	p<0,05
3 ойдан сўнг	(ҚИМТ)	142,9±0,77 p>0,05 ¹	164,48±1,26 p>0,05 ¹	180,97±0,98 p>0,05 ¹	p<0,05	p<0,05
	QAo-QLa	41,07±0,5 p>0,05 ¹	49,19±0,72 p>0,05 ¹	52,42±0,54 p>0,05 ¹	p<0,05	p<0,05
6 ойдан сўнг	(ҚИМТ)	141,31±0,63 p>0,05 ¹	174,86±1,06 p<0,05 ¹	198,18±1,96 p<0,05 ¹	p<0,05	p<0,05
	QAo-QLa	40,38±0,26 p>0,05 ¹	51,9±0,61 p>0,05 ¹	54±0,64 p>0,05 ¹	p<0,05	p<0,05

Изоҳ: 1-олдинги кўрсаткичларга нисбатан операциядан кейинги даврнинг турли даврларида гуруҳ ичидаги диссинхрония параметрларидаги фарқларнинг аҳамияти; 2-I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамияти; 3-I ва III гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамияти

Операциядан кейинги даврда I гуруҳ беморларда қоринчалар ичи ва қоринчалар аро ўтказувчанлик кўрсаткичлари II, III гуруҳга тегишли кўрсаткичларидан анча кам бўлди. I гуруҳ беморларида қоринчалар аро парагиснал майдонининг электр стимуляциясидан кейин қоринчалар аро механик тутилиши (ҚАМТ) ва қоринчалар ичи механик тутилиши (ҚИМТ) ўртача 1 ойдан кейин 43,24±0,67 мс; 146,72±1,17 мс, 3 ойдан кейин-41,07±0,5 мс; 142,9±0,77 мс, 6 ойдан кейин-40,38±0,26мс; 141,31±0,63мс ни ташкил

килди. Дастлаб II гуруҳ (DDDR режимидаги ҚАТ) беморларда қоринча аро/ичи юрак диссинхронияси параметрларининг ўртача қиймати: ҚИМТ - 24,57±0,71 мс, ҚАМТ -102,57±0,27 мс ни ташкил этди. Кеч мониторинг даврида, 3 ойдан кейин, операциядан кейинги даврда турли ҳаёт учун хавфли брадиаритмия бўлган беморларда қоринча аро/ичи ўтказувчанлик кўрсаткичлари диссинхрония кўрсаткичларида статистик сезиларли ўсиш ($p<0,005$) ни аниқлади ва 6 ойдан кейин уларнинг янада ошиши кузатилади. Операциядан олдин III гуруҳ (VVI режимида ЎҚЧ) беморларда қоринчалар аро/ ичи юрак диссинхрониясининг ўртача қиймати аниқланди: ҚИМТ-21,45±0,81мс, ҚАМТ-104,39±1,01мс. 3-6 ойдан сўнг миокард диссинхронияси параметрларида сезиларли даражада ўзгаришлар аниқланди, ҚАМТ-198,18±1,96мс. (1-расм) ($p<0,05$).

Шундай қилиб, қоринчалар аро тўсиқ (ҚАТ) гуруҳи и парагиссиал майдоннинг электр стимуляцияси, DDDR режими, барча қоринча сегментларининг синхрон қисқаришига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади, шунинг учун миокард орқали кўзғалиш тўлқинининг физиологик тарқалиши мавжуд, бу туфайли тизимли ва функционал параметрларда сезиларли ўзгаришлар ва митрал етишмовчиликда ўсиш йўқ.

Юрак диссинхронияси мавжуд бўлганда қоринчалар аро тўсиқнинг пародоксал ҳаракати, миокарднинг асинхрон қисқариши ҳисобига юракнинг қон ҳайдашни камайиши ва қоринча тўлишининг ёмонлашиши кузатилади, у I ва II гуруҳни ўнг қоринча чўққисиди (DDDR режимидаги ЎҚЧ) III гуруҳга (ЎҚЧ VVI режим) таққослаганда яққол намоён бўлади. Ҳаёт учун хавфли брадиаритмиялар билан касалланган электрокардиостимулятор импланти қўйилган ва М-модал режимли ЭхоКГ доплер ёрдамида текширилган беморларда қоринчалар аро/ичи диссинхрониясини баҳолашдан дарак берувчи бу мезонлар юракда ресинхрон даволашни ўтказувчи беморларни танлашда ёрдам бериши мумкин. Операциядан 6 ойдан кейин ўнг қоринча чўққисига ўрнатилган электрод чап қоринча бўшлиғи ҳажми парагиссиал майдонда қоринчалар аро тўсиқ (ҚАТ) парагиссиал майдонига қўйилган гуруҳга нисбатан сезиларли даражада катта эди. Чап қоринчанинг охириги диастолик ҳажм кўрсаткичи (ОДҲИ), индексланган охириги систолик ҳажми (ОСҲИ) ўртача қиймати I гуруҳда 137,86 ва 58,49 мл/м² ни ташкил қилди, бу пайтда II ва III гуруҳларда кўрсаткичларнинг сезиларли 155,1 ва 76,29 мл/м² даражада ўсиши кузатилди, ўз навбатида, мос равишда VVI режимида беморларда чўққи стимуляцияси бўлган беморларда 168,18 ва 79,24 мл/м² ($p<0,05$). Тадқиқотнинг охирига келиб, парагиссиал стимуляция билан касалланган гуруҳдаги беморларда ЧҚ қон ҳайдаши фракциясинининг пасайиши кузатилмади, II ва III гуруҳларида эса 7 нафар (33,3%) ва 19 нафар (50%) беморларда (2,3 ва 4-жадваллар) бу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилди. Учта гуруҳда, ЧҚ систолик функцияга салбий кўрсаткич динамикасини dT/dP (босимнинг ошиши тезлиги) қиёсий баҳолаш ўтказилди, II ва III гуруҳларда бу 6 ойнинг охирига бориб 957 ва 990,7 бўлди, I гуруҳда бу параметр 1239,8 бўлди, бу ЧҚ систолик функцияси кўрсаткичи ($p<0,05$) сезиларли даражада яхшиланганлигини кўрсатди.

Тадқиқот охирига келиб, чап қоринча диастолик функциясини ўлчаш натижалари DDDR режимида парагисил стимуляцияга эга бўлган беморларда энг яхши параметрларни кўрсатди. IVRT (изоволиметрлик қисқариш вақти) кўрсаткичи ва DT (эрта диастолик тўлдиришнинг секинлашиш вақти) I гуруҳида 98,28 ва 186,72 мс, DDDR/VVI режимларида ЎҚ чўққисида имплантацияланган электрод бўлган беморларга нисбатан 124 ва 215,33 мс, мос равишда 139,58 ва 206мс ($p<0,05$) бўлди.

2-жадвал

DDDR режимида ҚАТ (қоринчалар аро тўсиқ) парагисил майдонида имплантланган электрод қўйилган беморлар ЧҚ таркибий ва функционал кўрсаткичлари, ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=29)			
	ЭС ўрнатилгунча	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
ЧҚ ОДХИ, мл	157,28±7,15	155,83±6,92 $p>0,05$	150±6,9 $p>0,05$	137,86±5,72 $p<0,05$
ЧҚ ОСХИ, мл	70,29±4,5	68,96±4,47 $p>0,05$	64,2±3,92 $p>0,05$	58,49±3,3 $p<0,05$
ЧҚ КДОИ, см/м ²	3,05±0,07	3,02±0,07 $p>0,05$	2,98±0,07 $p>0,05$	2,93±0,06 $p<0,05$
ЧБХИ, мл/м ²	32,64±0,78	31,37±0,85 $p>0,05$	30,46±0,83 $p>0,05$	28,75±0,87 $p<0,05$
ЧҚ ОФ (%)	52±1	52±1 $p>0,05$	53±1 $p>0,05$	54±1 $p<0,05$
УХ (мл)	86,99±5,25	86,87±5,26 $p>0,05$	85,8±5,31 $p>0,05$	79,38±4,65 $p<0,05$
ЧҚММИ г/м ²	151,31±6,42	149,22±6,26 $p>0,05$	142,6±5,4 $p<0,05$	138,33±4,81 $p<0,05$
IVRT, мс	108,93±3,73	107,55±3,5 $p>0,05$	105,34±2,62 $p>0,05$	98,28±1,86 $p<0,05$
DT E, мс	207,66±3,97	207,38±3,91 $p>0,05$	201,83±2,92 $p<0,05$	186,72±2,29 $p<0,05$
dT/dP ЧҚ	1130,69±32,83	1130,17±31,65 $p>0,05$	1180,31±30,96 $p<0,05$	1239,86±29,14 $p<0,05$
v.contracte ЧҚ, см	0,4±0,02	0,39±0,02 $p>0,05$	0,36±0,02 $p<0,05$	0,31±0,01 $p<0,05$

Изоҳ: p параметр қийматлари орасидаги фарқларнинг операциядан олдинги қийматларга нисбатан турли кузатиш даврларида ишончилигини кўрсатади

3-жадвал

DDDR режимида ЎҚ чўққиси майдонида имплантланган электрод қўйилган беморлар ЧҚ таркибий ва функционал кўрсаткичлари, ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	II гуруҳ (n=21)			
	ЭС ўрнатилгунча	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
ЧҚ ОДХИ, мл	162,76±7,61	161,71±7,7 $p>0,05$	159,24±7,94 $p>0,05$	155,1±7,69 $p<0,05$
ЧҚ ОСХИ, мл	79,55±3,44	78,77±3,44 $p>0,05$	76,29±3,2 $p>0,05$	76,29±3,27 $p<0,05$
ЧҚ КДОИ, см/м ²	3,16±0,05	3,14±0,05 $p>0,05$	3,13±0,05 $p>0,05$	3,12±0,05 $p<0,05$
ЧБХИ, мл/м ²	31,04±0,66	32,79±0,69	33,36±0,72	34,59±0,64

		p>0,05	p>0,05	p<0,05
ЧҚ ОФ (%)	49±2	49±2 p>0,05	49±2 p>0,05	49±2 p>0,05
УХ (мл)	83,21±5,6	82,95±5,63 p>0,05	82,95±5,95 p>0,05	78,81±5,73 p<0,05
ЧҚММИ г/м ²	158,58±4,6	156,93±4,36 p>0,05	154,79±4,03 p<0,05	154,07±3,94 p<0,05
ЧҚММИ г/м ²	111,38±2,91	110,76±2,72 p>0,05	118,95±3,05 p>0,05	124±2,82 p<0,05
IVRT, мс	208,9±3,33	208,95±3,19 p>0,05	215,43±3,96 p<0,05	215,33±5,12 p<0,05
DT E, мс	1065,9±35,96	1057,19±34,09 p>0,05	1047,43±35,72 p<0,05	990,71±30,85 p<0,05
dT/dP ЧҚ	0,47±0,03	0,46±0,03 p>0,05	0,49±0,03 p>0,05	0,54±0,02 p<0,05
v.contracte ЧҚ, см				

Изоҳ: p параметр қийматлари орасидаги фарқларнинг операциядан олдинги қийматларга нисбатан турли кузатиш даврларида ишончилигини кўрсатади


4-жадвал

VVI режимда ЎҚ чўққиси майдонида имплантланган электрод қўйилган беморлар ЧҚ таркибий ва функционал кўрсаткичлари, (M ± m)

Кўрсаткичлар	Электроднинг жойлашиши			
	ЎҚ чўққисиди, (III гуруҳ)			
	ЭС ўрнатилгунча	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
ЧҚ ОДХИ, мл	149,11±6,66	148,97±6,53 p>0,05	154,24±6,57 p<0,05	168,18±6,23 p<0,05
ЧҚ ОСХИ, мл	70,99±5,57	73,56±5,28 p>0,05	76,11±5,29 p<0,05	79,24±4,99 p<0,05
ЧҚ КДОИ, см/м ²	3,09±0,08	3,09±0,07 p>0,05	3,15±0,07 p>0,05	3,27±0,07 p<0,05
ЧБХИ, мл/м ²	30,79±0,7	32,93±0,69 p>0,05	34,85±0,76 p<0,05	36,41±0,82 p<0,05
ЧҚ ОФ (%)	51±2	51±2 p>0,05	50±1 p>0,05	48±1 p<0,05
УХ (мл)	78,11±3,02	75,42±3,03 p>0,05	78,13±2,72 p>0,05	88,95±2,56 p<0,05
ЧҚММИ г/м ²	142,12±5,8	142,45±5,66 p>0,05	147,33±5,55 p<0,05	156,67±4,98 p<0,05
IVRT, мс	105,32±3,06	104,58±3,1 p>0,05	109,92±4,15 p>0,05	139,58±27,12 p<0,05
DT E, мс	203,29±3,81	203,45±3,64 p>0,05	209,47±3,94 p<0,05	206±5,53 p<0,05
dT/dP ЧҚ	1083,92±33,57	1084,42±33,23 p>0,05	1054±32,37 p<0,05	957±30,44 p<0,05
v.contracte ЧҚ, см	0,45±0,03	0,44±0,03 p>0,05	0,47±0,02 p>0,05	0,51±0,02 p<0,05

Изоҳ: p параметр қийматлари орасидаги фарқларнинг операциядан олдинги қийматларга нисбатан турли кузатиш даврларида ишончилигини кўрсатади.

Операциядан кейинги эрта ва кечки даврларда DDDR/VVI режимларида ҚАТ парагиссал майдониға ва ЎҚ чўққисига КС электродини ўрнатишда, чап қоринча функцияларига бўшлиқ ва қон ҳайдаш фракцияси ўлчамларини баҳолаш билан таъсирнинг қиёсий таҳлили ўтказилди, бу 1 расмда кўрсатилган.



1 расм. ОДХИ, ОСХИ, ОФ, ЧҚММИ ва чап қоринча қон ҳайдаш фракцияси динамикаси ўзгаришлари динамикаси.

